

**“Кварц” акциядорлик жамияти**  
**акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг**  
**2-сонли**  
**БАЁННОМАСИ**

2020 йил 30 сентябр  
соат 10-00

Фарғона вил. Қувасой ш.  
Мустақиллик кўчаси, 2а-уй

“Кварц” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва вакилларга тегишли овоз берувчи акциялар сони 86 632 729 дона. Жами овоз берувчи акциялар сони 96 449 218 дона. Йиғилиш кворуми 89,82 фоиз.

---

**Қатнашдилар:**

Давлат улуши номидан ишончномага асосан вакил Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи (Кузатув кенгаши аъзоси) Ҳ.К.Сирожитдинов;

Жамият акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);

Жамиятнинг бошқарув ва назорат органи аъзолари, ташқи ва ички аудит вакиллари (рўйхат илова этилади).

**ЭШИТИЛДИ:**

Жамият Кузатув кенгаши раиси А.Х.Химматов йиғилишда иштирок эта олмаганлиги муносабати билан амалдаги қонунчиликка асосан ва Жамият уставига асосан Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши раиси этиб Кузатув кенгаши аъзоси Ҳ.К.Сирожитдиновни сайлаш таклиф этилди.

**(Бир овоздан маъқулланди)**

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши раиси этиб Кузатув кенгаши аъзоси Ҳ.К.Сирожитдинов сайлансин.

**ЭШИТИЛДИ:**

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.

**(Бир овоздан маъқулланди)**

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. З.Бурхонов - “Кварц” АЖ Махсус бўлими бошлиғи ;
2. З.Раимбердиева - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари;
3. О.Михайлюк - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими иқтисодчиси.

**ЭШИТИЛДИ:**

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорлари умумий йиғилиши котибини сайлаш тўғрисида.

(Бир овоздан маъқулланди)

### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши котиблигига “Кварц” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Тошпулатов Д.А. сайлансин.

### **ЭШИТИЛДИ:**

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибини тасдиқлаш тўғрисида.

(Бир овоздан маъқулланди)

### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг куйидаги кун тартиби тасдиқлансин.

### **КУН ТАРТИБИ:**

1. “Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. “Кварц” АЖ Кузатув Кенгашининг 2019 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳамда жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини мустақил ташкилот томонидан баҳолаш яқунлари бўйича ҳисоботи.

3. “Кварц” АЖ Бошқарув раисининг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, Бизнес-режа кўрсаткичлари ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоралар бўйича ҳисоботи.

4. “Кварц” АЖнинг 2019 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.

5. “Кварц” АЖ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.

6. “Кварц” АЖнинг 2019 йил яқунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.

7. “Кварц” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.

8. “Кварц” АЖ Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.

9. “Кварц” АЖнинг Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисида.

10. “Кварц” АЖнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида.

### **КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:**

Йиғилиш кун тартибидаги 1-масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан йиғилиш раиси томонидан кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза ва музокарага чиқувчилар учун йиғилиш регламентини куйидагилар маълум қилинди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 30 дақиқача, савол-жавоблар учун 30 дақиқача, санок комиссияси ишига 30 дақиқа вақт ажратилиши таклиф этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жамият таклиф этилаётган йиғилиш регламентини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

**Йиғилиш кун тартибидagi 2-масала** бўйича Йиғилиш раиси томонидан 2019 йилда Кузатув Кенгашининг ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисобот берилди (ҳисобот илова қилинади).

“Кварц” АЖ Кузатув кенгаши томонидан 2019 йилда Корпоратив бошқарув Кодексининг ҳисобдорлик, очиқлик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этиш ҳамда акциядорлик жамиятни узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида фаолиятини амалга оширди.

Кузатув кенгашининг 2019 йил давомида жамиятнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб ҳамда Кузатув кенгашининг иш режасига мувофиқ 25 та мажлислари ўтказилди ҳамда ушбу мажлисларда 49 та масала муҳокама қилиниб, қонунчиликда белгиланган тартибда қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, 2019 йилга Бизнес-режаси ижросини таҳлил қилган ҳолда Жамият Бошқаруви фаолиятини мунтазам кузатиб бориш, ҳар чоракда Жамият Бошқаруви ҳамда Ички аудит хизмати фаолияти яқунлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб, тегишли қарорлар қабул қилинди ва уларнинг ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатилди.

Ҳисобот йилининг ҳар чорагида Тафтиш комиссиясининг аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги шунингдек қонун ҳужжатларининг ва банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосалари кўриб чиқилди.

Ҳисобот йилида Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра Жамиятнинг навбатдаги йиллик ҳамда навбатдан ташқари умумий йиғилишлари ўтказилди.

Жамиятнинг 2019 йил яқунлари бўйича корпоратив бошқарув тизими “Ишонч ЛТД” МЧЖ мустақил ташкилот томонидан баҳоланди ҳамда 2020 йил 24 апрелдаги хулосасига кўра Жамиятнинг 2019 йил яқунлари бўйича корпоратив бошқарув тизими “ЮҚОРИ” даражада баҳоланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жамият Кузатув Кенгашининг ҳисоботини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

**Йиғилиш кун тартибидagi 3-масала** бўйича Жамият бошқарув раиси в.в.б. А.И.Буриев томонидан Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, Бизнес-режа кўрсаткичлари ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоралар бўйича ҳисобот берилди (ҳисобот илова қилинади).

Хусусан, “Кварц” АЖда 2019 йил давомида жамиятнинг бизнес-режасида белгиланганига нисбатан ҳақиқатда қуйидаги кўрсаткичларга эришилди:

Амалдаги нархларда товар маҳсулоти ҳажми 274 488,0 млн.сўмлик режа (265 292,1 млн.сўм) 103,5%га ёки 9 195,9 млн.сўмга кўп бажарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврида ишлаб чиқарилган (301 929,7 млн сўм) маҳсулотга нисбатан 27 441,7 млн. сўмга камайиб 90,9%ни ташкил этган.

Тайёр маҳсулот қолдиғи 2018 йилга нисбатан 28 625,3 млн сўмга кўпайган ёки 38 445,5 млн. сўмга ортган.

Жамиятнинг 2019 йил учун Бизнес режасида белгиланган соф тушум ижроси 13 366,5 млн.сўмга кам ёки 94,9% га бажарилган, 2018 йилга нисбатан бу кўрсаткич 52 813,3 млн.сўмга камайган.

Жамиятнинг 2019 йилда умумий молиявий натижа фойда (фойда солиғи тўлангунга қадар) кўрсаткичи режага нисбатан 69,2%га, соф фойда эса 68,6% га бажарилган, 2018 йилга нисбатан фойда 74,7%га, соф фойда эса 75,5%га камайган.

Шунингдек жамиятни 2017-2021 йилларга ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича 2019 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида қуйидагилар маълум қилинди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 сентябрдаги Ф-5374-сонли “Кварц” акциядорлик жамиятида силлиқланган ойна ишлаб чиқариш янги флоат линияси қуриш инвестиция лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойишига асосан суткасига 400 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектнинг умумий қиймати 61 600,0 минг евродан иборат силиқланган ойна ишлаб чиқариш янги флоат линияси қурилиши учун Хитойлик ҳамкор Shanghai Pony Co.LTD корхонаси билан 2019 йил 24 январь куни қиймати 53 308,2 минг евро бўлган 19/03-IM - сонли шартнома имзоланган.

Ушбу лойиҳани молиялаштириш JP Morgan банки кредит линияси ҳисобидан 36 400,0 минг евро (41,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида), “Кварц” акциядорлик жамияти ўз маблағлари ҳисобидан 25 200,0 минг евро (28,7 млн. АҚШ доллари эквиваленти) қийматида амалга оширилиши белгиланган.

Лойиҳа бўйича жамиятга олиб келинган асбоб-ускуналар қиймати 32 120,6 минг евроли ёки 76,7 фоизни ташкил қилиб, пудратчи Shanghai Pony Co.LTD корхонаси томонидан бажарилган қурилиш монтаж ишлари қиймати 7 994,8 минг евроли ёки объектда 86,2 фоиз ишлар бажарилган ҳамда жамият томонидан 7 258,5 минг евролик бажарилган қурилиш монтаж ишлари учун маблағлар тўлаб берилган.

Лойиҳани ишга тушириш бўйича графикдан ортда қолишига пандемия ва молиявий муаммолар сабаб бўлаётганлиги тўғрисида акциядорларга ахборот берилди.

Жамиятни 2017-2021 йилларга ривожлантириш стратегиясига асосан белгиланган завод ишлаб чиқариш ускуналарини модернизация қилиш, янги энерготехамкор ускуналарни ўрнатиш, мавжуд линияларни реконструкция қилиш мақсадларига жамият томонидан 20 536,7 млн. сўм маблағлар сарфланиб, таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди ва янги ускуналар сотиб олинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Жамият бошқарув раиси в.в.б. А.И.Буриевнинг жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, бизнес-режа кўрсаткичлари ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича ҳисоботини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

**Кун тартибидagi 4-масала** бўйича Жамиятнинг Бош бухгалтери А.Исабоев томонидан акциядорларга қуйидагилар маълум қилинди:

Жамиятнинг 2020 йил 1 январь ҳолатига тузилган бухгалтерия баланси бўйича баланс активлари 439 727,2 млн. сўмга етди, бунда узоқ муддатли активларнинг ўсиши 2,01 бараварни ва жорий активларни ўсиши 1,13 бараварни ташкил этди.

Узоқ муддатли активларни 90 286 млн.сўмга ўсиши янги технологик ускуналарни сотиб олиниши билан ўлчанади. Ҳисобот даври охирига жамият соф активлари қиймати 1,02 бараварга кўпайиб, 312 923 млн.сўмга етди, бу эса узоқ муддатли ва жорий активларни ошиши манбаси бўлиб хизмат қилди.

Жамиятнинг 2019 йилдаги жами даромади 279 643,0 млн.сўмни, харажатлари 259 409,5 млн.сўмни, соф фойда эса 20 233,49 млн.сўмни ташкил этди.

“Кварц” АЖ акциядорларининг 2020 йил 25 февралдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишида 2019 йил яқунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти белгиланди.

“Кварц” АЖнинг 2019 йил яқунлари бўйича ўтказилган ташқи аудит натижалари бўйича “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2020 йил 11 сентябрдаги ҳамда 2020 йил 21 августдаги хулосалари билан мажлис иштирокчилари таништирилди (аудитор хулосаси илова қилинади).

“Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2019 молиявий йил молиявий ҳисоботлари миллий ва халқаро стандартларига тўла мос келиши тўғрисида хулоса берилди.

Шунингдек, жамиятнинг 2019 йил ҳисоботида “Келгуси давр ҳаражатлари” деб акс эттирилган Флоат ойна ишлаб чиқариш линиясини куриш учун олинган кредитнинг суғурта ҳаражатлари (суғурта компаниясига бир марталик тўлов 1 926 469,76 евро ёки 19 905,7 млн.сўм, банк хизматлари учун 4 789,2 млн.сўм), “AMULET-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон бухгалтерлар ва Аудиторлар миллий ассоциациясининг тегишли хатларига асосланиб берган хулосасига биноан ушбу ҳаражатлар ҳисоботларда “Давр ҳаражатлари” деб акс эттирилди. Натижада жамиятнинг 2019 йил молиявий ҳисоботига тегишли коррективкалар киритилганлиги тўғрисида акциядорларга ахборот берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Жамиятининг йиллик ҳисоботини, 2019 йил йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаб бериш акциядорлардан сўралди.

**Қуш тартибдаги 5-масала** Жамиятнинг Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида Тафтиш комиссияси аъзоси Б.Фарманов томонидан ҳисобот берилди (ҳисобот илова қилинади).

Хусусан, Ҳисобот даври якуни бўйича жамиятда узоқ муддатли активлар 126 091,64 млн.сўмни ёки жами активларнинг 40,67 фоизни ташкил қилган. Жорий активлар эса 109 745,2 млн.сўмни ёки жами активларнинг 24,96 фоизини ташкил этган, шундан дебиторлар 126 091,64 млн.сўмни ташкил этган.

Жамият бухгалтерия балансидаги активларнинг таркибини ўрганиш жараёнида, ҳисобот даври якунига узоқ муддатли инвестициялар 18 627,40 млн.сўмни ташкил этган.

Жамиятда 2019 йил якуни бўйича ўз маблағлари манбалари 312 923,4 млн. сўмни, шундан устав фонди 165 410,4 млн.сўмни, резерв фонди 19 344,2 млн.сўмни ва тақсимланмаган фойда 20 233,49 млн.сўмни ташкил этган.

Жамиятда дебитор қарзлар ҳисобот йил охирига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108 467,7 млн.сўмга (615,45%) кўпайиб 126 091,64 млн.сўмни ташкил этиб, ундан муддати ўтган дебиторлар мавжуд бўлмаган.

Жамиятда жорий кредиторлик қарзлар ҳисобот йил охирига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 26 221,47 млн.сўмга (212%) кўпайиб, 38 590,40 млн.сўмни ташкил этган.

Жамиятда молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили натижасида қоплаш (тўлов қобиляти) коэффиценти (Кпл) бўйича – тўлов қобилятига эгаллиги, мутлоқ ликвидлик коэффиценти бўйича – қарздорлик мажбуриятларини зарурат бўлганда зудлик билан қайтарилиш даражаси юқори эмаслиги ҳамда узоқ ва қисқа муддатли қарз маблағларининг боғлиқлиги коэффиценти (жорий молиявий мустақиллик) (Ксс) бўйича – молиявий таваккалчилик мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Тафтиш комиссияси томонидан 2019 йил якуни бўйича жамиятнинг фаолияти «қоникарли» деб баҳоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 107-моддаси талабларига асосан Тафтиш комиссияси томонидан жамиятда тузилган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан тузилган битимларнинг таркиби ҳамда уларнинг тузишда амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан чоракли ўрганишлар амалга оширилиб, тегишли хулосалар ҳамда жамият фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Тафтиш комиссияси томонидан таклифлар берилди.

**Кун тартибдаги 6-масала** бўйича жамият йиғилиш раиси сўзга чикиб “Кварц” АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича олинган 20 233 490 600 сўмлик соф фойдасини тақсимлаш юзасидан Кузатув кенгаши томонидан қуйидаги таклифлар берилганлиги акциядорларга маълум қилинди:

- умумий заҳира фондига 1 011 674 530,00 сўм, 5%;
- инновацияни ривожлантириш жамғармасига 2 023 349 060,00 сўм, 10%;
- Жамият акцияларига дивиденд сифатида 10 117 522 968,20 сўм, 50%;

Бунда жамиятнинг бир дона оддий акциясига 104,9 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 6,1 фоиз миқдорида йиллик дивиденд белгилаш ва дивидендларни ўрнатилган тартибда пул маблағлари билан 2020 йил 30 сентябрдан 2020 йил 28 ноябрга қадар акциядорларга тўлаб бериш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 сентябрдаги П-5374-сонли фармойишига асосан “Кварц” АЖда листланган ойна ишлаб чиқариладиган янги флоат-линиясини қуриш бўйича инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга ҳамда корхона ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш учун келгусида жамият устав фондиди оширишга йўналтириш учун (капиталлаштиришга) 5 947 868 568,20 сўм, 29,4%.

- 2019 йил якуни бўйича жамият меҳнат жамоасини рағбатлантириш учун 1 133 075 473,60 сўм, 5,6% (бу қиймат 12%лик ягона ижтимоий тўловни ўз ичига олади).

Жамият Кузатув кенгаши томонидан таклиф этилаётган фойда тақсимотини тасдиқлаш Жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

**Кун тартибдаги 7-масала** бўйича йиғилиш раиси сўзга чикиб, акциядорларга жамият Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун киритилган номзодлар билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 16 мартдаги 1526/03-08-сонли хатига мувофиқ амалдаги қонунчиликка ва жамият Уставига асосан жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилди.

- |                                     |                                                                                          |
|-------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. Абидов Шерзод Абдусаматович      | - Вазирлар Маҳкамаси котибият мудир;                                                     |
| 2. Шарипов Наджмиддин Шухратович    | - Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси;                                              |
| 3. Зарипов Ботир Комилович          | - “Ўзқурилишматериаллари” уюшмаси раиси;                                                 |
| 4. Каримов Алишер Нишанович         | - Адлия вазирлиги қонунчилик бош бошқараси бошлиғи;                                      |
| 5. Хайдаров Бахтиёр Халимович       | - Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи;                             |
| 6. Қурбоналиев Санжар Сабриддинович | - Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи;                             |
| 7. Қаххоров Азизжон Ахрорович       | - Давлат активларини бошқариш агентлиги департамент бошлиғи ўринбосари-бошқарма бошлиғи; |
| 8. Сирожитдинов Хабиб Камиллович    | - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи в.б.; |
| 9. Худойқулов Садирдин Каримович    | - Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудир и.ф.д., доцент (мустақил аъзо).   |

Юқоридагилардан келиб чиқиб жамият Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун таклиф этилаётган номзодлар бўйича кумулятив овоз бериш бюллетенлари бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди.

**Кун тартибидagi 8-масала** Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги масала бўйича йиғилиш раиси Жамият акциядорларини Жамият Тафтиш комиссиясига номзодлар билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 16 мартдаги 1526/03-08-сонли хатига мувофиқ жамия тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

1. Рустамов Сарвар Равшанович - Давлат активларини бошқариш агентлиги 1-тоифали мутахассиси;
2. Ибрагимов Махмуд Баходирович - Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси;
3. Фарманов Бахтиёр Баходирович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи.

**Кун тартибидagi 9-масала** бўйича йиғилиш раиси сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сонли қарорига мувофиқ устав капитали (фонди) авлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ижроия органи раҳбари ва раҳбар ўринбосари лавозимларига номзодларни кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

“Кварц” АЖ Кузатув кенгашининг 2020 йил 13 майдаги мажлиси қарорига асосан жамиятнинг Бошқаруви раиси, Бошқарув раиси ўринбосари ва директор лавозимларига қайта танлов ўказилиши юзасидан қарор қабул қилинган.

Танлов якунларига кўра Кузатув кенгаши аъзоларининг баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори талабларига мувофиқ, “Кварц” АЖнинг Бошқаруви раиси, Бошқарув раиси ўринбосари ва директор лавозимларига номзодларни келишилиши учун танловда кўриб чиқилган барча номзодларнинг маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

“Кварц” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2020 йил 8 сентябрдаги қарорига асосан жамият бошқаруви аъзолигига қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

1. А.И.Буриев - Бошқарув раиси в.в.б.;
2. М.Г.Исроилова - Бошқарув раисининг маҳаллийлаштириш, кооперацион алоқаларни кенгайтириш, ахборот технологиялари, фан, инновация ва инвестиция бўйича 1-ўринбосари;
3. С.С.Турсунбаев - Ишлаб чиқариш бўйича директор;
4. И.М.Таджибаев - Маркетинг ва тижорат ишлари бўйича директор;
5. Д.А.Расулов - Режим ва техника хавфсизлиги бўйича директор;
6. С.Т.Каримов - Қурилиш бўйича директор;
7. Ф.С. Тиллабоев - Молия бўйича директор;
8. А.А.Исабоев - Бош ҳисобчи;
9. Х.М.Маматов - Юридик бўлим бошлиғи;

10. Р.Х.Кучкаров - Бош механик;
11. И.И.Нишонов - Бош энергетик.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳамда Бошқаруви раиси, Бошқарув раиси ўринбосари ва директор лавозимларига номзодлар Вазирлар Маҳкамасидан келишилгунга қадар жамият Бошқаруви таркибини қуйидагича сайлаш таклиф этилмоқда:

1. А.И.Буриев - Бошқарув раиси в.в.б.;
2. М.Г.Исроилова - Бошқарув раисининг маҳаллийлаштириш, кооперацион алоқаларни кенгайтириш, ахборот технологиялари, фан, инновация ва инвестиция бўйича 1-ўринбосари, Бошқарув аъзоси в.в.б.;
3. С.С.Турсунбаев - Ишлаб чиқариш бўйича директор, Бошқарув аъзоси в.в.б.;
4. И.М.Таджибаев - Маркетинг ва тижорат ишлари бўйича директор, Бошқарув аъзоси в.в.б.;
5. Д.А.Расулов - Режим ва техника хавфсизлиги бўйича директор, Бошқарув аъзоси в.в.б.;
6. С.Т.Каримов - Қурилиш бўйича директор, Бошқарув аъзоси в.в.б.;
7. Ф.С. Тиллабоев - Молия бўйича директор, Бошқарув аъзоси в.в.б.;
8. А.А.Исабоев - Бош ҳисобчи, Бошқарув аъзоси;
9. Х.М.Маматов - Юридик бўлим бошлиғи, Бошқарув аъзоси;
10. Р.Х.Кучкаров - Бош механик, Бошқарув аъзоси;
11. И.И.Нишонов - Бош энергетик, Бошқарув аъзоси.

Жамият Кузатув кенгаши томонидан таклиф этилаётган жамият Бошқаруви таркибини сайлаш акциядорлар йиғилишидан сўралди.

**Кун тартибидаги 10-масала** бўйича Бош бухгалтер А.Исабоев томонидан Ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни ҳамда келажақда аниқлаш жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тузиш мумкин бўлган аффилиланган шахслар рўйхати билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди ҳамда акциядорлардан ушбу рўйхатни тасдиқлаб бериш сўралди (рўйхат илова қилинади).

Юқоридагилардан келиб чиқиб белгиланган тартибда бюллетенларга белги қуйиш орқали ўз муносабатларини билдирилиши йиғилиш иштирокчиларидан сўралди.

### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. “Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

**Овоз бердилар: – 86 632 729 овоз, тарафдорлар – 86 632 729 овоз,  
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 30 дақиқагача савол-жавоблар учун 30 дақиқагача, санок комиссияси ишига 30 дақиқа вақт ажратиш орқали акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин.

2. “Кварц” АЖ Кузатув Кенгашининг 2019 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва жамиятнинг бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳамда жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини мустақил ташкилот томонидан баҳолаш якунлари бўйича ҳисоботи.

**Овоз бердилар: – 86 632 729 овоз, тарафдорлар – 86 632 729 овоз,  
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизими “Ишонч ЛТД” МЧЖ мустақил ташкилотининг 2020 йил 24 апрелдаги хулосасига кўра “ЮҚОРИ” даражада эътироф этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият Кузатув Кенгашининг 2019 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

**3. “Кварц” АЖ Бошқарув раисининг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти  
якунлари, Бизнес-режа кўрсаткичлари ва жамиятнинг ривожлантириш  
стратегиясига эришиш бўйича қўрилган чоралар бўйича ҳисоботи.**

---

**Овоз бердилар: – 86 632 729 овоз, тарафдорлар – 86 632 729 овоз,  
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Жамият бошқарув раисининг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари, Бизнес-режа кўрсаткичлари ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилган чоралар бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамият Бошқаруви (А.Буриев) зиммасига:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 сентябрдаги Ф-5374-сонли “Кварц” акциядорлик жамиятида силлиқланган ойна ишлаб чиқариш янги флоат линияси қуриш инвестиция лойихасини амалга оширишни жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармойишига асосан суткасига 400 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги флоат линияни ишга тушириш ва жорий йил охирига қадар маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаш;

- 2020 йил молия-хўжалик фаолияти бизнес-режа кўрсаткичларини чоракма-чорак бажарилишини таъминлаш;

- жамиятнинг самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини юқори даражага етказиш;

- корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш;

- стратегик ривожлантириш дастури асосида инвестиция лойҳаларини белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш;

- ишлаб чиқаришда инновацион ғоялар ва илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш;

- маҳсулот сотиш бозорларини кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида маркетинг изланишларини олиб бориш вазифалари топширилсин.

**4. “Кварц” АЖнинг 2019 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия  
баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.**

---

**Овоз бердилар: – 86 632 729 овоз, тарафдорлар – 86 632 729 овоз,  
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2020 йил 11 сентябрдаги ҳамда 2020 йил 21 августдаги хулосалари билан “Кварц” АЖнинг 2019 молиявий йил молиявий ҳисоботлари миллий ва халқаро стандартларига тўла мос келиши тўғрисидаги хулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Кварц” АЖнинг 2019 йиллик ҳисоботи, йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботлари тасдиқлансин.

3. “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва аудитор тавсияларини амалиётга тадбиқ этишни таъминлаш “Кварц” АЖ Бошқарувига топширилсин.

#### **5. “Кварц” АЖ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.**

**Овоз бердилар: – 86 632 729 овоз, тарафдорлар – 86 632 729 овоз,  
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖ Тафтиш комиссиясининг жамиятни 2019 йилдаги фаолиятини текшириш бўйича ҳамда қонун ҳужжатларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботи ва Тафтиш комиссиясининг 2019 йилда аффилиланган шахслар билан тузилган йирик битимлар ва битимлар мавжудлиги ҳамда жамиятнинг қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин.

2. Жамият Бошқарувига Тафтиш комиссияси ҳисоботида кўрсатиб ўтилган таклифларни амалга ошириш бўйича зарурий чора-тадбирларни кўриш вазифалари топширилсин.

#### **6. “Кварц” АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.**

**Овоз бердилар: – 86 632 729 овоз, тарафдорлар – 86 632 729 овоз,  
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган 20 233 490 600 сўмлик соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- умумий захира фондига 1 011 674 530,00 сўм, 5%;
- инновацияни ривожлантириш жамғармасига 2 023 349 060,00 сўм, 10%;
- Жамият акцияларига дивиденд сифатида 10 117 522 968,20 сўм, 50%;

Бунда жамиятнинг бир дона оддий акциясига 104,9 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 6,1 фоиз миқдорида йиллик дивиденд белгилаш ва дивидендларни ўрнатилган тартибда пул маблағлари билан 2020 йил 30 сентябрдан 2020 йил 28 ноябрга қадар акциядорларга тўлаб бериш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 сентябрдаги П-5374-сонли фармойишига асосан “Кварц” АЖда листланган ойна ишлаб чиқариладиган янги флоат-линиясини қуриш бўйича инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга ҳамда корхона ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш учун келгусида жамият устав фондиди оширишга йўналтириш учун (капиталлаштиришга) 5 947 868 568,20 сўм, 29,4%.

- 2019 йил якуни бўйича жамият меҳнат жамоасини рағбатлантириш учун 1 133 075 473,60 сўм, 5,6% (бу қиймат 12%лик ягона ижтимоий тўловни ўз ичига олади).

2. Жамият Бошқаруви томонидан ҳисобланган дивидендларни мазкур қарорда белгиланган муддатларда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият акциядорларига тўлаб берилиши таъминлансин.

#### **7. “Кварц” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.**

“Кварц” АЖ Кузатув кенгаши таркибини сайлаш бўйича кумулятив овоз бериш натижалари:

- |                                 |                    |
|---------------------------------|--------------------|
| 1. Абидов Шерзод Абдусаматович  | - 86 640 873 овоз; |
| 2. Шарипов Нажмиддин Шухратович | - 86 631 711 овоз; |
| 3. Зарипов Ботир Комилович      | - 86 631 711 овоз; |

- |    |                                  |                    |
|----|----------------------------------|--------------------|
| 4. | Каримов Алишер Нишанович         | - 86 631 711 овоз; |
| 5. | Хайдаров Бахтиёр Халимович       | - 86 631 711 овоз; |
| 6. | Қурбоналиев Санжар Сабриддинович | - 86 631 711 овоз; |
| 7. | Қаххоров Азизжон Ахрорович       | - 86 631 711 овоз; |
| 8. | Сирожитдинов Хабиб Камилович     | - 86 631 711 овоз; |
| 9. | Худойқулов Садирдин Каримович    | - 86 631 711 овоз. |

1. “Кварц” АЖ Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- |    |                                     |                                                                                          |
|----|-------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. | Абидов Шерзод<br>Абдусаматович      | - Вазирлар Маҳкамаси котибият мудири;                                                    |
| 2. | Шарипов Наджмиддин<br>Шухратович    | - Монополияга қарши қурашиш қўмитаси раиси;                                              |
| 3. | Зарипов Ботир Комилович             | - “Ўзқурилишматериаллари” уюшмаси раиси;                                                 |
| 4. | Каримов Алишер<br>Нишанович         | - Адлия вазирлиги қонунчилик бош бошқармаси бошлиғи;                                     |
| 5. | Хайдаров Бахтиёр<br>Халимович       | - Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи;                             |
| 6. | Қурбоналиев Санжар<br>Сабриддинович | - Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи;                             |
| 7. | Қаххоров Азизжон<br>Ахрорович       | - Давлат активларини бошқариш агентлиги департамент бошлиғи ўринбосари-бошқарма бошлиғи; |
| 8. | Сирожитдинов Хабиб<br>Камилович     | - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи в.б.; |
| 9. | Худойқулов Садирдин<br>Каримович    | - Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири и.ф.д., доцент (мустақил аъзо).  |

#### **8. “Кварц” АЖ Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.**

**Овоз бердилар: – 86 632 729 овоз, тарафдорлар – 86 632 729 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖ тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- |    |                                 |                                                                                          |
|----|---------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. | Рустамов Сарвар<br>Равшанович   | - Давлат активларини бошқариш агентлиги 1-тоифали мутахассиси;                           |
| 2. | Ибрагимов Махмуд<br>Баходирович | - Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси;                                 |
| 3. | Фарманов Бахтиёр<br>Баходирович | - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи. |

#### **9. “Кварц” АЖнинг Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисида.**

**Овоз бердилар: – 86 632 729 овоз, тарафдорлар – 86 632 729 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖ Бошқаруви қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- |                   |                                                                                                                                                        |
|-------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. А.И.Буриев     | - Бошқарув раиси в.в.б.;                                                                                                                               |
| 2. С.С.Турсунбаев | - Ишлаб чиқариш бўйича директор.;                                                                                                                      |
| 3. М.Г.Исроилова  | - Бошқарув раисининг маҳаллийлаштириш, кооперацион алоқаларни кенгайтириш, ахборот технологиялари, фан, инновация ва инвестиция бўйича 1-ўринбосари .; |
| 4. И.М.Таджибаев  | - Маркетинг ва тижорат ишлари бўйича директор.;                                                                                                        |
| 5. Д.А.Расулов    | - Режим ва техника хавфсизлиги бўйича директор.;                                                                                                       |
| 6. С.Т.Каримов    | - Қурилиш бўйича директор.;                                                                                                                            |
| 7. Ф.С. Тиллабоев | - Молия бўйича директор.;                                                                                                                              |
| 8. А.А.Исабоев    | - Бош ҳисобчи;                                                                                                                                         |
| 9. Х.М.Маматов    | - Юридик бўлим бошлиғи;                                                                                                                                |
| 10. Р.Х.Кучкаров  | - Бош механик;                                                                                                                                         |
| 11. И.И.Нишонов   | - Бош энергетик.                                                                                                                                       |

2. “Кварц” АЖ Бошқаруви аъзолари билан белгиланган тартибда шартнома тузиш вазифаси жамият Кузатув кенгашига топширилсин.

**10. “Кварц” АЖнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида.**

**Овоз бердилар: – 86 632 729 овоз, тарафдорлар – 86 632 729 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖнинг 2019 йил давомида жамият аффилланган шахслари билан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилган битимлари тасдиқлансин.

2. “Кварц” АЖнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб, тасдиқланганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш раиси

Х.К.Сирожитдинов

Йиғилиш котиби

Д.А.Тошпулатов

«09» 10 2020 й.